Куч — адолатда

2012 йил,
2 ноябрь,
жума
№ 42-43 (400)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Жаҳон сайёҳлик салоҳияти намойиши

«Ўзэкспомарказ»да 31 октябрь куни «Ипак йўлидаги туризм» ўн саккизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк ипак йўли» реклама агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, мутахассислар, олим ва экспертлар ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманда «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Ф.Ризаев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини, жумладан, ички туризмни изчил ривожлантириш, мамлакатимизга келаётган хорижлик сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакрор қадриятлари ва анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Сайёҳлик дунёдаги кўплаб давлатларда даромад олишнинг асосий тармоқларидан биридир. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир дунёда туризм саноатида 195 миллиондан зиёд киши хизмат қилади ва ушбу соҳанинг дунё бўйича йиллик пул айланмаси 900 миллиард АҚШ долларидан ошади. Жаҳон сайёҳлик саноатида халқаро туризмдан тушаётган даромад автомобиль, нефть ва газ ишлаб чиқариш саноатидан кейин учинчи ўринда туради.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилган. Мамлакатимиздаги мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳити, дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини изчил мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш мақсадида янгиянги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари барпо этилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланаётир.

(Давоми тўртинчи бетда)

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 20 yilligiga

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда. Буни суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ишларнинг самаралари ҳам тасдиқлаб турибди.

Шубҳасиз, буларнинг барчаси Конституциямиз шарофатидан, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Маълумки, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида Асосий Қонунимиз ишлаб чиқилди. Умумхалқ муҳокамаларида эса, фуқароларимиз ҳам ўз таклиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашди. Ана шундай омиллар асосида Конституция лойиҳаси янада такомиллаштирилиб, халқаро талаблар даражасида шакллантирилди.

Буни бежиз ёдга олмадик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар томонлама мукаммаллиги, хусусан, унда суд ҳокимияти мустақиллиги ҳамда одил судловни амалга ошириш орқали фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатлангани суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Farmon va ijro

Ижтимоий муҳофаза ва масъулият

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур соҳа вакилларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш кафолатларини янада кучайтирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Судьяларнинг ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини яхшилашнинг долзарб масалалари» мавзуида ташкил этилган илмий-амалий конференция мазкур фармон ижросини изчил таъминлашга доир масалаларга бағишланди. Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда депутатлар, судьялар, олимлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ва Адлия вазирлигининг масъул ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, Конституциявий суд раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилаётгани самарасида мамлакатимизда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ таъминланаётганини таъкидлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Bag`rikenglik tamoyillari

Инсонпарварликнинг беқиёс намунаси

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинаётганига, бу янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни амалда кутилган самараларни бераётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

(Давоми учинчи бетда)

Huquq va burch

Ворис манфаати

қонун билан кафолатланган

Жамиятнинг иқтисодий негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Ўз навбатида мулк ижтимоий муносабатларни ривожлантиришнинг, мамлакатда халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим мезонидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган халқаро андозаларга мос ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Хусусан, Конституциямизнинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» номли иккинчи бўлимида фуқароларнинг мол-мулкка эга бўлиши, мерос олиши, мерос қолдириши, шунингдек, бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари қайд этилган.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Мулк ҳуқуқи — дахлсиз

Маълумки, фуқаролик муносабатларида олди-сотди шартномаси институти алоҳида ўрин тутади. Айниқса, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида олди-сотди шартномаси тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиш, унинг хусусиятларини ўрганиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари учун ҳам, адвокатлар, юридик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи шахслар ва тадбиркорлар учун ҳам бирдек зарурдир.

Фуқаролик кодексининг 386-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчига) мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса, бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган суммани тўлаш мажбуриятини олади.

Олди-сотди шартномаси бўйича товарга бўлган эгалик ҳуқуқи ўзгармай қолиши ҳам мумкин. Сотувчи ва сотиб олувчи хусусий мулк ҳуқуқининг ёки турли шаклдаги, яъни хусусий ва оммавий мулк ҳуқуқининг субъектларидан бўлса, сотилган товарга нисбатан эгалик ҳуқуқи ўзгаради, у сотувчидан сотиб олувчи ихтиёрига ўтади.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда хусусий мулкнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланаётгани мулкдорлар сафининг кенгайиши, уларнинг иқтисодиётдаги улуши ортишига кенг йўл очмоқда. Бунда шартномавий муносабатлар қонуний асосда йўлга қўйилгани ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти.

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

томонлар манфаати ва иқтисодиёт ривожининг муҳим омили

Маълумки, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Барча фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

Бирон-бир тадбиркорлик субъекти шартнома тузмасдан туриб, тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларни, келажакдаги тадбиркорлик режаларини, олди-сотди ёки бошқа битимларини амалга оширишини тасаввур қилиб бўлмайди.

(Давоми иккинчи бетда)

O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 20 yilligiga

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу эса амалиётга одил судловни холис, юқори савияда татбиқ қилиш имконини бермоқда. Конституциянинг 112-моддасида ҳам шу масалага эътибор қаратилган. Яъни «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади», деб белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий талаблар асосида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари юксак самара бераётгани эса ҳеч кимга сир эмас.

Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, суд-ҳуқуқ ислоҳотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартларига, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар кўрилди. Буни 1993 йилда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур қонун одил судловни амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиши баробарида, суд мустақиллиги таъминланишига муносиб замин яратди. 2000 йилда ушбу қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида ҳам ана шундай фикрни айтиш мумкин. Унга мувофиқ, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

Жиноий жазоларни либераллаштиришга доир қонун амалиётга татбиқ этила бошлагандан буён эса, 227 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 22 мингдан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлангани ҳам бу борадаги ислоҳотларнинг амалдаги самарасини яққол кўрсатиб турибди.

Жиноят-процессуал қонунчилигига апелляция институти киритилиши ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зеро, мазкур институт суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан берилган шикоят, протестларини тўлиқ текшириш, қўшимча тақдим қилинган далил ва ҳужжатлар асосида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўришга юбормасдан, йўл қўйилган камчиликни тузатиш ва процессуал қонун бузилиши ҳолларини бартараф этиш, ҳукмни тўлдириб, ўзгаришсиз қолдириш ёки суд ҳукмини бекор қилиб, қонуний асослар мавжуд бўлганда, оқлов ҳукми чиқариш борасидаги ваколатларини янада кенгайтирди. Ўтган йиллар мобайнида юзлаб жиноят ишлари белгиланган муддатларда ҳал қилиниб, қонуний тўхтамга келишга эришилганлиги ҳам мазкур институт нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Конституциямиз асосида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислоҳотларида муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра, жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди. Шу билан бирга, жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодора қилиш тартиби чиқариб ташланди. Бу жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг энг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, мазкур янгилик хусусий мулк дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидага тўлиқ мос келади.

Конституциямизда инсонпарварлик тамойиллари етакчилик қилади. У асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунмоҳиятида ҳам ушбу тамойил устувор эканлиги кўзга яққол ташланиб туради. Жумладан, 2008 йилнинг январидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилиниши ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга муҳим воқеа бўлди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Айни чоғда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг суд қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Бу фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Асосий Қонунимиздаги инсонпарварлик тамойилига мос суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларидан яна бири, шубҳасиз, суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилишидир. Мазкур янгилик миллий урф-одатларимиз ва умуминсоний қадриятларга мослиги билан ҳам эътиборга молик. Унга кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўла қоплаган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлди. Эътиборлиси шундаки, мазкур институт қўлланила бошлагандан буён 134 минг нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Айтиш лозимки, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида суд ишларини соддалаштириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ва Фуқаролик-процессуал кодексига ўзгартириш киритилиб, ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилди. Натижада апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори қабул қилишдек процессуал ҳуқуққа эга бўлди. Бу борадаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексига киритилган 20[1]-бобда ҳам ўзининг ифодасини топган, яъни судья маълум низосиз тоифадаги талаблар бўйича суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Бу нечоғли аҳамиятга эга эканлигини рақамлар ҳам тасдиқлайди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 124 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди ҳамда бир миллион 300 мингдан ортиқ суд буйруғи чиқарилиб, 481 миллиард сўмдан зиёд маблағни ундириш белгиланди.

Айтиш керакки, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизим ислоҳотларида янги даврни бошлаб берди. Зеро, мазкур Концепция асосида ишлаб чиқилиб, парламент палаталари томонидан қабул қилинган ҳамда яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этади, албатта. Нега деганда, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу ҳужжат билан «Прокуратура тўғрисида»ги ва «Судлар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўлланиб келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди. Бундай чорани қўллаш учун асос етарли бўлган ҳолларда прокурор, терговчи процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома кўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни прокурор судга юборади. Эътиборлиси, илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан якка тартибда, ёпиқ суд мажлисида материал келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соат ичида кўриб чиқилади. Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш ҳам суд ихтиёрига берилди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш ҳамда жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу янгиликлар бизни қувонтириши баробарида, судьялар зиммасидаги масъулиятни янада оширишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ тизимида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлаб келинмоқда. Зеро, Асосий Қомусимиз туб замирида ҳам шу мақаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсади мужассамдир.

(Халқ сўзи газетасининг 2012 йил 1 ноябрь сонидан олинди)



Farmon va ijro

Ижтимоий муҳофаза ва масъулият

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу жараёнда суд органларининг давлат бошқарувидаги ролини янада ошириш, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармони шу мақсадда қабул қилинган бўлиб, ҳужжатга кўра, судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазаси борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, 2012 йил 1 августдан бошлаб Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари қайта кўриб чиқилди. Мазкур судлар судьялари ҳамда мансаб даражасига эга ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори қайтадан тасдиқланди.

Президентимиз Фармонида белгиланган яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинди.

— Президентимиз томонидан белгилаб берилган бундай имкониятлар соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир, — дейди жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани суди раиси Ёқутхон Ҳайдарова. — Бундай ғамхўрлик судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти учун зарур шароит яратиши билан бирга зиммамизга жуда юксак масъулият юклайди. Буни амалда таъминлаш борасида барча билим ва салоҳиятимиз, куч ва имкониятларимизни сарфлаб, фидойилик билан хизмат қилишимиз даркор.

Конференцияда Фармон ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга судьяларнинг ижтимоий таъминотига оид ислоҳотлар ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтиришнинг муҳим жиҳатлари, судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминотини янада такомиллаштириш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Qonun ko`magi

Шартнома интизоми

томонлар манфаати ва иқтисодиёт ривожининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Чунки шартнома бу фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи шундай бир ҳужжатки, унда тадбиркорнинг фойда олиш дастурлари, режалари, интилишлари, қизиқиш ва манфаатлари ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларининг натижаси, кўзда тутилган тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг якуни жуда кўп ҳолатларда шартноманинг қандай тузилганлиги ёки расмийлаштирилганлигига боғлиқ бўлади.

Шу боис ҳам шартномаларнинг тузилишини назорат қилиш алоҳида эътиборда. Адлия идоралари бу борада изчил ишларни амалга оширмоқда. Турли хилдаги шартномалар, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича контрактация шартномаларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаб, амалиётда қўллаш учун кенг оммага етказиб бермоқда.

Хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлигига юклатилганлигидан келиб чиққан ҳолда, вазирлик ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Бироқ шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва жавобгарлиги аниқ белгиланган бўлишига қарамай, шартнома мажбуриятлари баъзан тўлиқ ижро қилинмаяпти.

Масалан, Андижон вилояти адлия бошқармасига Жалақудуқ туманидаги «Тошматов эксперимент сервис» илмий экспериментал комплекс сервис хизмати кўрсатиш хусусий корхонаси раҳбари К.Мадумаров «Қўрғонтепадонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятидан мавжуд ҳақдорликни ундиришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Мурожаатни ўрганиш натижасида кўрсатилган техника хизматлари учун 23 миллион 788 минг сўм тўланмагани ўз исботини топди ва вилоят хўжалик судига даво аризаси киритилди. Даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, шартнома мажбуриятларини бажармаган тарафларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўришдан кўзланган асосий мақсад — шартнома интизомини шакллантиришдир. Бу шартнома мажбуриятларининг вақтида бажарилишида муҳим ўрин тутиб, томонлар манфаати, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлайди.

Ш.РАЖАБОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Мулк ҳуқуқи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, олди-сотди шартномаси тузилгач, унинг тарафлари ўртасида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик турли хил низолар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш Фуқаролик кодексининг 9-бобида кўрсатиб ўтилган битимларни ҳақиқий эмас, деб топиш асослари назарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **«Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарорида ҳам Фуқаролик кодексининг 9-бобида қайд этилган қоидалар олди-сотди шартномасини (битимни) ҳақиқий эмас, деб топишнинг қатъий асослари ҳисобланиши кўрсатилган.

Мазкур Пленум қарори талабига кўра, олди-сотди шартномаси унинг иштирокчилари учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириши боис шартноманинг ҳақиқийлигини қонунда белгиланган асослар бўйича фақатгина шартнома иштирокчилари ҳамда шартнома объектининг мулкдорлари низолашишга ҳақлидирлар.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, даъвогар У.Ражабова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2011 йил 14 сентябрда Қизилтепа туманидаги 2-сон давлат нотариал идорасида 4915-сон билан рўйхатга олинган Ю.Жумаев ва Ш.Исломов ўртасида тузилган уй-жойнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Судда аниқланган ҳолатларга қараганда, Қизилтепа туман ҳокимининг 2010 йил 13 сентябрдаги қарори билан Ю.Жумаевга Қизилтепа туманидаги Беришум қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 1.200 кв.метр, шундан қурилиш майдони 295,72 кв.метр бўлган турар жой ва ёрдамчи бино иншоотларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи берилган.

Bag`rikenglik tamoyillari

Инсонпарварликнинг беқиёс намунаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, бу ислоҳотлар замирида фуқаролар манфаатини ҳимоялаш, қадр-қимматини улуғлаш ҳамда эркин ва фаровон турмушини таъминлаш каби эзгу мақсадлар мужассам. Мазкур жараённинг ажралмас қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимидаги янгиланишларнинг пировард натижаси ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаёган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун асосида миллий қонунчилигимизда илк марта ярашув институти жорий этилди. Чунончи, мазкур қонун асосида Жиноят кодексининг бешинчи бўлими ўн иккинчи боби шахсни жавобгарликдан озод қилишнинг янги тури, яъни ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи 66[1]-модда билан тўлдирилди.

Дастлаб мазкур моддада назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, мазкур қонунга биноан Жиноят процессуал кодексига **«Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш»** тартибини белгиловчи янги боб киритилди.

Таъкилаш жоизки, мазкур ҳуқуқий институт жорий этилгандан буён ўтган давр мобайнида тўрт марта, яъни 2004 йил 27 август, 2001 йил 31 декабрь, 2009 йил 7 апрель ва 2010 йил 24 майдаги қонунга киритилган ўзгартиришлар билан такомиллаштирилиб, унинг таъсир доираси янада кенгайтирилди ва қўллаш тартиби соддалаштирилди.

Ушбу такомиллашган қонун талабига биноан Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ярашув институтининг қонунларимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаб, амалда кенг қўлланиб келаётганлигининг асосий сабабларидан бири унда халқимизга хос инсонпарварлик, кечиримлилик ва бағрикенглик каби фазилатлар мужассам. Шуни таъкилаш керакки, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсни жабрланувчи билан ярашганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан озод қилиниши нафақат унинг ўзи, балки яқинлари учун ҳам катта маънавий ва тарбиявий аҳамият касб этади.

Буни қуйидаги жиноят ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вояга етмаган Д. кўчада укасининг тарафини олиб, Ф. билан ўзаро жанжаллашиб қолади ва унга ўртача оғир шикаст етказади. Дастлабки тергов даврида Д. қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчидан кечирим сўрайди, жабрланувчига етказилган зарарни қоплайди. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2012 йил 10 сентябрдаги ажримига кўра, тарафлар ярашганлиги муносабати билан Д. га нисбатан Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят иши тугатилиб, у жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Яна бир вояга етмаган А. мактабдоши С. билан арзимаган сабабга кўра, жанжаллашиб, унга ўртача оғир шикаст етказади. Кейинчалик А. қилмишидан пушаймон бўлиб, жабрланувчи билан ярашиб, етказилган зарарни қоплаганлиги сабабли, суднинг ажримига кўра, у Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига биноан жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Судлар тажрибасидан кўринадики, ярашув институтининг амалга жорий этилиши кутилган самарани бермоқда. Маълумотларга қараганда, жавобгарликдан озод қилишнинг энг кўпи айнан ярашув институти ҳиссасига тўғри келмоқда. Чунончи, вилоятимиз миқёсида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жами 784 та иш бўйича 995 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинган бўлса, шундан 686 нафар шахсга нисбатан ишлар ярашув институти асосида тугатилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган ярашув институтининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлиб, у фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қаҳрамон ЎЛЖАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси вазифасини бажарувчи

Huquq va burch

Ворис манфаати

қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқарорлик кодексининг 1155-моддаси мерос ҳисобидан тўланиши лозим бўлган харажатларга бағишланган. Унда мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган ва дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек, васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозимлиги, бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан, ипотека ёки бошқа гаров билан таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилиши белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида эса, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг манфаатлари қонуний ҳимояланган.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига даъвогар С.Акбарова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) даъво аризаси билан мурожаат қилиб, марҳум ота-онасидан икки нафар фарзанд қолганлигини, ота-онаси вафот этгани, улардан ҳовли-жой мерос тариқасида қолгани, уни акаси эгаллаб олиб, меросдан улуш бермаётганлигини баён қилиб, суддан ўзини меросхўр, деб топиб, меросдан улуш ажратиб беришни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 1135-моддасида мерос қолдирувчининг болалалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун буйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлиши қайд этилган. Шунингдек, ушбу моддада мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киритилган, деб белгиланган.

Амалдаги қонун талабларига кўра, суд томонидан даъвогар С.Акбарованинг даъвоси қаноатлантирилиб, у ота-онасидан мерос тариқасида қолган уй-жойнинг иккидан бир қисмига меросхўр, деб топилди. Ушбу фуқаролик иши суднинг кассация инстанция босқичида ҳам кўриб чиқилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, даъвогар Д.Аъзамов отаси, опаси ва укаси билан мерос уй-жой бўйича низолашиб, отасининг икки йилдан буён сарсон бўлишига сабабчи бўлган. Д.Аъзамов суддан онасининг васиятномаси буйича низоли уй-жойга меросхўр, деб топишни сўраган. Ота эса, низоли уй-жойни эр-хотиннинг умумий мулки деб топиш ва марҳум хотинининг улушига нисбатан ўзини меросхўр, деб топиб, низоли уйдан ўзининг улушини ва мерос ҳиссасини ажратиб беришни, ўзини низоли уйга мажбурий тартибда киритиб қўйиш ҳақида қарши даъво келтирган.

Суд ушбу низоли уй-жойни Д.Аъзамовнинг ота-онасининг умумий мулки, деб топиб, уни васиятнома бўйича ҳовлининг иккидан бир қисмига меросхўр деб топди. Қарши даъво ҳам қисман қаноатлантирилиб, отани низоли уйга киритиб қўйиш белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг мулкка эгалик қилиш, мерос қолдириш, ўзига тегишли меросни тўлалигича олиш каби ҳуқуқлари борки, уларга дахл қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Қонун билан кафолатланган бу ҳуқуқлар бузилганда у одил судлов йўли билан тиклаб берилади. Бу борада ўз ҳуқуқларини яхши англаган фуқаролар ҳеч қачон ютқазмайди.

Наргиз ХАЛИЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

Saboq

Сохтакорлик

қимматга тушди

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш, ҳисоботларга сохта маълумотлар киритиб, ўзганинг жиноятини яширишга уриниш муқаррар жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Аниқроқ айтганда, бундай қилмиш учун қонунда аниқ жазо белгиланган.

Шу йилнинг май ойида Фориш тумани «Боғдон» ширкат хўжалиги бош чўпони Л.Мирзаевнинг жавобгарлигидаги майда шохли моллар санокдан ўтказилганда, нархи 66 миллион 366 минг сўмлик 592 бош қўй-эчкилар камомади борлиги аниқланди. Ажабланарлиси шундаки, 2010 йилнинг февраль-декабрь, 2011 йилнинг январь-декабрь ва 2012 йилнинг январь-апрел ойлари хўжалик бухгалтериясига тақдим этилган ҳисобот ҳужжатларида Л.Мирзаев томонидан майда шохли моллар тўлиқ сақланаётгани аниқ ёзиб қўйилган эди.

Хўш, кутилмаганда бу камомад қандай пайдо бўлди?

Маълум бўлишича, ширкат хўжалигида бош даволовчи бўлиб ишлаб келган Абдусайит Отамуродов бош чўпон Л.Мирзаев билан майда шохли моллар тўлиқ сақланаётгани тўғрисидаги маълумотларни қалбакилаштириш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктиришади. Улар юқорида муддати қайд этилган ҳисобот ҳужжатларига Л.Мирзаевнинг моддий жавобгарлигидаги майда шохли моллар тўлиқ сақланаётгани тўғрисида сохта маълумотлар киритишади.

Шу йилнинг тўл олиш мавсумида Л.Мирзаевнинг жавобгарлигидаги қўйлар ҳисобидан 124 бош қўзи олинган. Аммо А.Отамуродов ҳисобот ҳужжатларида уларни 423 бош қилиб кўрсатган.

Яъни баҳоси 2 миллион 935 минг сўмлик 299 бош қўзини даромадга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қўшиб ёзиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштирган.

Суд судланувчи А.Отамуродовнинг расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда ифодаланган ғайриқонуний ҳаракатларини Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми «б» банди билан малакалади. Судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, 1 йил 6 ой муддатга моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил олти ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади.

Гувоҳи бўлганигиздек, ҳисоботларга сохта маълумотлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш оилали, беш нафар фарзанднинг отаси Абдусайит Отамуродовга қимматга тушди. Сохтакорлик ҳеч қачон яхшиликка олиб бормаслигини унутмаслик керак.

Фаррух ЭРГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг бош мутахассиси

— дахлсиз



Ю.Жумаев 1985 йил 21 февралдан то ҳозирги кунга қадар З.Ж.Халилова билан қонуний никоҳда бўлиб, низоли уй-жой Оила кодексининг 23-моддасига кўра, Ю.Жумаев ва З.Халилованинг тенг улушдаги умумий мулки бўлган.

Даъвогар У.Ражабова эса, жавобгар Ю.Жумаев билан қонуний никоҳдан ўтмаган ҳолда оила қурган.

2011 йил 14 сентябрда Қизилтепа туман 2-сонли давлат нотариал идорасида Ш.Исломов ва Ю.Жумаев ўртасида тузилган олди-сотди шартномасига асосан Ш.Исломов Қизилтепа туманидаги Беришум қишлоғида жойлашган низоли уй-жойни Ю.Жумаевдан сотиб олган.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 225-моддасида биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилиши, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилиниши кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган низоли уй-жойни сотишда жавобгар Ю.Жумаев билан бирга мулк эгаси саналган З.Халилованинг ҳам нотариал тасдиқланган розилиги олинган.

Мазкур уй-жойни тасарруф қилиш тўғрисида олди-сотди шартномаси тузилаётган пайтда У.Ражабованинг розилигини олиш бирор-бир меъёрий ҳужжатда назарда тутилмаган.

Фуқаролик кодексининг 182-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкини хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асосларда вужудга келади.

Даъвогар У.Ражабова низоли уй-жой ўзининг ҳам мулки саналишини таъкидлаган бўлса-да, лекин важини тасдиқловчи бирон-бир далилни судга тақдим эта олмади.

Низоли уй-жой эса, юқорида қайд қилинганидек, фуқаролар Ю.Жумаев ва З.Халилова умумий мулки ҳисобланган.

Даъвогар У.Ражабова Ш.Исломов ва Ю.Жумаев ўртасида тузилган низоли уй-жойнинг олди-сотдиси тўғрисидаги шартноманинг иштирокчиси ҳам, шартнома объектининг мулкдори ҳам эмас. Шу боис низоли уйнинг олди-сотди шартномаси расмийлаштирилиши унинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига таъсир қилмайди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъвогар У.Ражабованинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси рад этилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, олди-сотди шартномаси бўйича қўлга киритилган объект сотиб олувчининг мулкига айланади ва ҳар қандай шахснинг мулкий ҳуқуқлари қонун йўли билан ҳимоя қилинади.

А.МУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, бола кимнинг фамилиясини олиш ҳуқуқига эга? Мен бобомнинг исми билан фамилия олсам бўладими?

Ю.ПАРПИЕВА,
Нуробод тумани

— Оила кодексининг 69-моддасига биноан, бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга. Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми эса, отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига қараб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлганда, ота-онанинг келишувига биноан, болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота ёки она томонидан миллий анъаналарга биноан, бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганда, келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан ҳал этилади.

— Айтинг-чи, қандай жойлар яшаш учун мўлжалланмаган жой ҳисобланади?

С.РАҲИМОВ,
Бўстонлиқ тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг **«Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»**ги Низомининг 2-бандига мувофиқ, яшаш учун мўлжалланмаган жойларга кўп квартирали уйлардаги фуқаролар яшаши учун мўлжалланмаган қуйидаги алоҳида жойлар тегишли бўлади:

а) уйни қуришда лойиҳаларда кўрсатилган уйнинг ёнига кейин қурилган жойлар;

б) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уйнинг қуйи қаватидаги тураржойдан яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказилган жойлар;

в) қайта жиҳозланган ертўла ва ярим ертўла жойлар, техник мақсадларга мўлжалланган жойлар бундан мустасно.

Яшаш учун мўлжалланмаган жойда бошқа уй-жойлардан алоҳида кириладиган эшик, табиий ёритиш ва вентиляция; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи ёнғинга қарши ҳамда қурилиш қоидаларининг функционал вазифаси ва талабларига мувофиқ жойнинг девори, шифти, поли қопланган, пардозланган бўлиши керак.

Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

E`tirof

Жаҳон сайёҳлик салоҳияти намойиши

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилаётгани, мавжуд транспорт коммуникациялари таъмирланиб, янгилари барпо этилаётгани соҳанинг янада тараққий этишига ҳамда юртимизга келаётган сайёҳлар сафининг тобора кенгайишига хизмат қилмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, 2011 йилда мамлакатимизда бир миллиондан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатилган. Бу 2010 йилга нисбатан 5,4 фоиз кўпдир. 2011 йилда сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми 8,3 фоиз ошган. Соҳада иш юритаётган хўжалик субъектлари сони ҳам мунтазам ортиб бормоқда. 2011 йилда 124 сайёҳлик корхонаси ва 55 меҳмонхона ишга туширилган. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада 865 сайёҳлик ташкилоти — 506 сайёҳлик оператори ва 359 меҳмонхона фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда сайёҳликнинг экотуризм, экстремал, маърифий, маданий ва жисмоний саёҳат каби турлари ҳам изчил ривожланмоқда. Сайёҳлар орасида альпинистлар, чанғи спортига қизиқувчилар кўпаймоқда. Ички туризмни ривожлантириш, ҳудудларда тарихий-археологик боғлар барпо этиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сайёҳлик объектлари атрофида меҳмонларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этишда хусусий сектор фаоллик кўрсатмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайёҳлик факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ҳамда Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Соҳада хорижлик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилаётир. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда кенг намойиш қилиш ва шу йўл билан сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан маркетинг лойиҳалари — мега-инфо-турлар ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Буюк Британия, Венгрия, Италия, Испания, Нидерландия, Россия, Сингапур, Франция, Хитой, Япония каби кўплаб мамлакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мега-инфо-турлар лойиҳаси Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сонини 2012 йил якуни



бўйича ўртача 15 фоизга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. 2011 йилнинг октябрь ойида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Жанубий Кореяда бўлиб ўтган 19-сессиясида Ўзбекистон 2011-2015 йиллар давомида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши аъзолигига сайланган. Мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорлик мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини муттасил юксалтиришда, бу соҳада бошқа давлатлар билан муносабатларни кенгайтириш ҳамда Буюк ипак йўли маданий меросини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда ушбу ташкилот билан ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Анъанавий «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси шулар жумласидандир.

«Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш ва хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ички туризмни янада ривожлантиришдан иборат.

Ярмаркада иштирок этаётган сайёҳлик фирма ва компаниялари сони йил сайин ошиб бормоқда. 2011 йилда анжуманда ўнлаб мамлакатлардан беш юздан зиёд сайёҳлик ташкилоти қатнашган бўлса, бу йил Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Испания, Россия, Таиланд, Франция, Хитой, Чехия, Словения, Швейцария, Вьетнам, Туркия, Туркманистон ва Ҳиндистон каби ўнлаб мамлакатлардан етти юздан ортиқ фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда.

— Компаниямиз Тошкент халқаро туризм ярмаркасида илк марта иштирок этмоқда, — дейди Таиланднинг «Grand Orchid Travel» компанияси бош менежери Сурасак Котпромсри. — Бугунги кунда Таиланд сайёҳликни ривожлантириш борасида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзбекистон Буюк ипак йўлининг дурдонаси саналади. Шу боис ҳам Таиландда бой тарихга эга бу заминга ташриф буюришни истаган кишилар кўп.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда сайёҳлик бозорининг барча тузилмалари — туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш саноати корхоналарининг хизматлари, соҳага оид замонавий технологиялар таклиф этилмоқда. Ярмаркада бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир кўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш каби йўналишларга оид бўлимлар иш олиб бормоқда.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда.

— Бугунги ярмаркада Сурхондарё вилоятида жойлашган «Силк Роад», «Шарқ», «Меридиан», «Улуғбек» каби олтита меҳмонхона иштирокчиларга ўз хизматларини таклиф қилмоқда, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Сурхондарё вилоятидаги саёҳат ва экскурсия бюроси раҳбари Зафар Намозов. — Сурхондарё вилоятида тўққиз юздан зиёд тарихий обидалар мавжуд. Вилоятимизга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ортмоқда.

Ярмарка доирасида ташкил этилган «Миллий таомлар фестивали», «Шарқ бозори» экспозицияларида иштирокчиларга ўзбек миллий таомлари ҳамда саховатли заминимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар билан танишиш, миллий пазандалигимиз ҳақида маълумотга эга бўлиш имконияти яратилган. Анжуман қатнашчилари «Ҳунармандлар шаҳри» бўлимида намойишга қўйилган маҳоратли усталар томонидан нозик дид билан ишланган миллий ҳунармандлик буюмларини томоша қилиб, эсдалик сифатида сотиб олиш имконига эга.

Ўзбекистонлик ва хорижлик санъаткорлар томонидан тақдим этилаётган концерт дастурлари, ўзбек миллий либослари намойиши ҳам меҳмонларда катта таассурот уйғотмоқда.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида аъло даражадаги сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стенд каби йўналишларда танлов бўлиб ўтади.

— Ўзбекистонга бундан ўттиз йил муқаддам келган эдим, — дейди Хитойнинг Хайнань провинциясидаги «Кокос ороли» сайёҳлик фирмаси бош директори Лиу Шенг Хонг. — Тошкентни таниёлмай қолдим. Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат сифатида дунёга танилмоқда. Меҳмонхоналар кўпайиб, туризм инфратузилмаси изчил ривожланмоқда, сервис хизмати халқаро андозаларга тўла мос.

Уч кун давом этадиган ярмарка доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида чет эллик ҳамкорлар ва мутахассислар билан ўзаро фикр алмашиш, ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланиши режалаштирилган.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири

Бугунги кунда дунёда тимсоҳларнинг шиддатли тарзда камайиб бораётгани зоолог олимларни қаттиқ ташвишга солмоқда.

Sirli olam

Биз билган ва билмаган дунё

100 ёшда ҳам тишлари бутун жонзот

Шунинг учун ҳам ер юзида тимсоҳларни имкон қадар асраб қолиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилмоқда. Хусусан, тимсоҳлар табиий шароитда яшайдиган кўпгина ҳудудлар қўриқхоналарга айлантирилмоқда. Баъзи мамлакатларда тимсоҳларни овлаш қатъий тақиқлаб қўйилган. Ҳиндистоннинг Жайпур шаҳрида эса, 1975 йилдан буён маҳаллий фауна учун тимсоҳлар етиштириб беришга ихтисослашган махсус марказ фаолият юритиб келади. Кубада ҳам тимсоҳларни овлаш тақиқланган. Африка, Уганда, Кения, Судан каби мамлакатларнинг миллий парклари ушбу жониворлар махсус шароитларда сақланади.

Хўш, тимсоҳлар нега бундай кескин тарзда камайиб кетмоқда? Бунинг сабаблари нима билан изоҳланади?

Маълумки, тимсоҳ терисига озгина ишлов берилса, мустаҳкам ва нақшинкор чарм ҳосил бўлади. Бунинг устига тимсоҳ териси дунё бозорида энг қимматбаҳо ашё ҳисобланади. Овчилар тимсоҳларни ов қилишининг асосий сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

Африка табиатини узоқ йиллар давомида тадқиқ этиб келган зоолог олим, профессор Б.Гридемик «Улар барчага тегишли» деган китобида шундай ёзади: «Бугунги кунда Африка бўйлаб саёҳат қилган одам тимсоҳларнинг бирор-бир турини учратиши мушкул. Чунки «мода» аталмиш буҳрон уларни ҳатто энг чекка кўл ва дарёлардан ҳам топиб, ўз домига тортиб кетмоқда».

Айтиш керакки, аллигаторлар тимсоҳларнинг алоҳида ўзига хос тури ҳисобланса-да, ҳатто қўриқ мамлакатларда ҳам уларни овлаш давом этмоқда. Шунинг учун бу жониворларнинг табиатдан бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи қишлоқ хўжалигида бутун бир янги тармоқ — тимсоҳ етиштирувчи фермаларни юзага келишига туртки бўлди. Тимсоҳ етиштирувчи фермалар АҚШ, Ҳиндистон, Таиланд, Сингапур, Куба, Янги Гвинеядаги Папуа оролларида мавжуд. Масалан, Папуа оролларида ҳатто уй шароитида ҳам тимсоҳлар боқилиб, ҳар бир хўжаликда бир нечтадан катта ёшли эркак ва урғочи тимсоҳлардан насл олиниб, кўпайтирилади. Кубада бундай хўжаликлар аллақачон давлат тармоғига айланган. Баъзи фермаларда 30 000 дан ортиқ тимсоҳ боқилади.

Айни пайтда ер юзида аллигатор, кайман, гавиол ва ҳақиқий тимсоҳ турларининг 21 кўриниши мавжуд. Тимсоҳларнинг тараққиёт тарихи тахминан 150 миллион йил илгарига бориб тақалишини ҳисобга олсак, улар сайёрамиздаги энг қадимги жониворлар турига киради. Энг кичкина тимсоҳлар хитой аллигаторлари ва силлиқ мангалайли тимсоҳлардир. Энг улкан тимсоҳнинг узунлиги 6-7 метрдан 10 метргача етади.

Тимсоҳлар йиртқич бўлгани учун ҳам қудратли кучга эга. Улар одатда, қўнғизу қурт, антилопа-ю буқаларни паққос туширади. Қирғоқ олди бутазорлари, кўл ва дарёлар тубида пойлаб ётган тимсоҳ чанқоғини босиш учун келган ҳайвонларга тўсатдан ташланиб қолади. Баъзида уларни кучли думи билан уриб, йиқитади.

Тимсоҳлар тухумдан кўпаяди. Тимсоҳ тухумлари қушникига ўхшаш бўлади. Кўпгина мамлакатларнинг маҳаллий аҳолиси тимсоҳ тухумини севиб истеъмол қилади. Улар унинг мазаси оддий товуқ тухумидан тайёрланадиган қуймоққа нисбтан анча хуштаъм ва чиройли пишиши билан фарқланишини айтишади. Эркак тимсоҳ ўз жуфтига ниҳоятда меҳрибон, урғочилари эса, ўта рашкчи бўлади. Кўпайиш даврида қирғоқ яқинида қумда уя қазиб, 20 дан 80 тагача ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ тухум қўяди. Она тимсоҳ тухумларнинг устини қум билан ёпиб, сўнг шох-шаббба ташлаб қўяди.

Она тимсоҳ тухумларини босиб ётмаса-да, аммо болалари тухумни ёриб чиққунига қадар уя атрофини ҳушёрлик билан қўриқлайди. Бу жараён 2-3 ойгача давом этади, бундай пайтда урғочи тимсоҳ ўта хавфли бўлади.

Узоқ умр кўрувчи бу жониворлар 70-80 ёшда қарий бошлайди. Табиатда юз йил ва ҳатто ундан ҳам ортиқ яшаган тимсоҳлар учрайди. Қизиғи шундаки, шу ёшда ҳам уларнинг тишлари бутун сақланади.Чунки ҳаёти давомида тимсоҳларнинг тишлари бир неча бор тушиб, қайта чиққани учун табиатда бирорта ҳам «кемшик» тимсоҳ учрамайди.

Эндигина тухумни очиб чиққан тимсоҳчалар 18-30 см узунликда бўлиб, тухумдалигиданоқ қурбақанинг ваққиллашига ўхшаш баланд-баланд овоз бера бошлайди. Буни эшитган она тимсоҳ дарҳол қум тагидаги уясини кавлай бошлайди. Тимсоҳчаларни бир қисми мустақил тарзда тухумни ўзлари очиб чиқса, нимжонроқларига эса, онаси кўмаклашади. Она тимсоҳ эҳтиёткорлик билан тухумни улкан ва тишдор жағлари орасида тили билан айлантириб, нимжон тимсоҳчанинг тухумни ёриб чиқишига кўмаклашади. Барча кичкинтойлар дунё юзини кўргач, онаси уларни оғзида тутганча сувга олиб боради.

Табиатда ҳар бир ёввойи ҳайвон ва ўсимлик тури ўз сифати ва фақат ўзига хос жиҳатлари билан ўз ўрнига эга. Жумладан, йиртқич саналган тимсоҳлар ҳаёти олимлар томонидан ҳам етарлича ўрганилган эмас.

Шундай экан, уларнинг яшаш тарзини атрофлича тадқиқ этилиши табиатнинг янги сирларини очишга хизмат қилади.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.

Hikmat

Донолар дейдиларки

Мақсади, режаси аниқ бўлмаган кишининг иши асло юришмайди. Кўпинча мушкул вазиятда қолади. Ўзига ишонган, саботли кишилар барча қийинчиликларни бартараф эта олади.

* * *

Ҳалол одам ҳакамлик курсисига ўтирар экан, шахсий майлларини унутади.

* * *

Қалби пок бўлган кишиларнинг ишлари ҳам пок, тоза бўлади.

* * *

Одоб ақлнинг ташқи суратидир.

* * *

Меҳнатдан қочиш хору зорлик билан натижаланади.

* * *

Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар.

* * *

Мурод-мақсад хазиналари меҳнат кўпригі устидадир.

* * *

Ақл улуғликка, ақлсизлик эса тубанликка етаклайди.

* * *

Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади.

Jinoyat va jazo

Безорилик жинояти

Аввало шуни қайд этиш жоизки, жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя этиш, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи саналади. Аммо ҳаётда қонун билан ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмасдан, безориликни ўзига касб қилиб олган, на ўзига, на ўзгаларга фойдаси тегадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Айтиш керакки, Жиноят кодексининг 277-моддасида қайд этилишича, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган жиноятлар безорилик жинояти ҳисобланади. Безорилик анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Самариддин Соипов (исм-фамилиялар шартли) муқаддам бир неча марта безорилик ҳаракатларини содир этиб, икки маротаба судланган бўлишига қарамай, қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишни хаёлига келтирмади.

У ҳаётда бирор-бир касбнинг бошини тутиб, ҳалол меҳнат қилиш ўрнига ўзига ўхшаш танишлари билан маишат қилишни хуш кўрарди. Шундай кунларнинг бирида...

Бекорчиликдан зериккан Самариддин танишларига қўнғироқ қилиб, қаҳвахонада учрашишни таклиф қилди. Олдиндан келишилганидек, кечга яқин улар «Ғиждувон» қаҳвахонасида йиғилишди. Улар таомномадаги энг тансиқ таом ва ичимликларни буюртма беришди. Бироқ ҳисоб-китоб қилишга келганда, пуллари етмаслигини важ қилиб, гарангсиб қолишди. Шу боис улар билан қаҳвахона ходими Наим Раҳматов ўртасида тортишув бошланди.

Қаҳвахонада ошпаз ёрдамчиси бўлиб ишлайдиган Эркинжон Хайруллаев уларнинг ўзаро тортишаётганини кўриб, орага қўшилди:

— Илтимос, бу ерда шовқин кўтарманглар, — деди у.

Аммо унинг гаплари мижозларга ёқмади.

— Бор, кет, бу ердан, тирранча! — дея Самариддин Эркинжонни жеркиб ташлади. — Сенга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашишни!

Бироқ Эркинжон унинг гапларига парво қилмагач, Самариддин кутилмаганда, чўнтагидан пичоқ чиқариб, унинг чап кўкрагига устма-уст икки марта санчди... Бу ҳам камлик қилгандай, ичкилик таъсирида буткул ақл-ҳушини йўқотган Самариддин қаҳвахонанинг бошқа ходимларига ҳам пичоқ ўқталиб, уларни қўрқитишга тушди.

Жиноят кодексининг 277-моддасида қайд этилганидек, агар безорилик такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилса, бундай қилмиш эгаси мазкур модданинг 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса, мазкур модданинг 3-қисми «г» бандига асосан жавобгарликка тортилади.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, Эркинжон Хайруллаев соғлиғи қисқа муддатга бузилишига олиб келадиган енгил тан жароҳати олган. Суд ушбу жиноят ишини атрофлича кўриб чиқиб, суд экспертизаси хулосаси, гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатмалари ҳамда ишда тўпланган бошқа ҳужжатларга асосан Самариддин Соиповни Жиноят кодексининг 277-моддаси, 3-қисмининг «а» ва «г» бандлари ҳамда 112-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топди ва унга нисбатан тегишли тартибда жазо тайинлади.

Ғувоҳи бўлганингиздек, жамиятда белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик, инсоний фазилатларни йўқотиш, безориликнинг оқибати ҳеч қачон яхшилик билан тугамайди.

Шундай экан, ҳаётда инсоний фазилатларни улуғлаб яшаш, савоб ва эзгу ишларни умр мазмуни деб билиш, умуман айтганда, одоб-аҳлоқ меъёрларига қатъий риоя этиш кишини юксалтиради.

Эльза ШАМСУТДИНОВА,
жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг судьяси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Куч — адолатда» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг раиси **Адҳам ЮСУПДЖАНОВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1116. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6007.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰